ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

4 август, сешанба 1998 йил №91 (593)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади




*Йўлдош СУЛАЙМОН*

## ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Э, Истиқлол!
Мен бир жабр
торта-торта,
Минг йилларким,
Зулмларни кифтга орта,
Оёқлари ерга ботиб суринган бир,
Золимларни боқиб қаттиқ уринган
бир -
Мазлум эдим.
Қалбимни қайнатаман деган
Қулликдан айнатаман деган,
Тафаккуримда ўсаётган,
Томиримда қон бўлиб кезаётган
Исён шовқинларини эшитиб
турсам-да,
Жим,
Жим эдим...
Сен Инқилоб суратига
айландинг-да,
Хизр бувам суратига
айландинг-да,
Юрагимни чўғлантириб,
Эргаштириб, руҳлантириб,
Бошимдаги қора булутларни,
Бутунлай-бутунлай улоқтирдинг!
Кифтимдаги зулмлар юкини
Оёқларим остига ташладинг,
Ва мени фикрлашга бошладинг,
Улуғ Истиқлолнинг муборак Куни!
Елкасида зулм юки бўлмаган
инсон
Нафас олар эркин ва осон...
Елкасида зулм юки бўлмаган
инсоннинг
Бўлар экан қомати ҳам тик,
Яшар экан қўрқмай беҳадик!
Эй, Истиқлол!
Қуёйлик бир
Ортга қараб,
Кулиб-яйраб,
Етти ёшинг остонасида:
Мазлумларнинг пешонасида
Офтоб кулди,
Сен офтобдай балққанинг он.
Лекин сен шўро қаърида
Не шўришларни кечирдинг роса.
Бугунги кунларга етмадинг осон!
Тобе халқ деб эзиб ўрганганлар,
Кўнгилларни бузиб ўрганлар
Сени бўғиб ўлдиришни истаб
қолди,
Ёвузларни ёвузликка қистаб
қолди.
Чақалоқ бошига илон келгандай
бўлди,
Чаён келгандай бўлди,
Қашқир келгандай бўлди,
Сиртлон келгандай бўлди...
Қани, айтинг,
Қайси нодон
Елкасига олар қайтадан
Тенгсизликнинг қора юкини?!

Ана шунда
Бири соқол қўйиб, бири соч олиб,
Виждонини сотиб, пинхон бож олиб -
Аламдан чираниб, ўкиниб -
Даҳшатга тўлиб,
Ниқоб кийиб,
Сени осмоқчи бўлиб,
Ғимирлаган ёвларга,
Йўлингдаги тубан ғовларга
Руҳни кўтардинг қарши,
Ўчирдинг улар маршин.
Унда-бунда ҳамон ивирсиб,
Эзгуликнинг йўлини тўсиб -
Ёвуз жонзот тимсолига айланиб,
Сенинг мангу заволингга шайланиб,
Ваҳобийлар кўтарганда бош,
Уларни аёвсиз эта олдик фош!
Эй, Истиқлол!
Эй, жонимда очилган бир -
Гўзал чечак,
Сени кеча -
Ёвларингдан холос этган,
Фикри Вақтдан ўзиб кетган
Улуғларим, қутлуғларим
Ўтга чидаб, сувга чидаб -
Асрадилар кўз ичида!
Боболарим, момоларим,
Марду майдон доноларим,
Қани, Сизга муносиб бўла олсак.
Агар инсон эмасмиз:
Йўлда толсак!
Тенгдошларим,
кўряпсизми -
Катта авлод бугун қариб...
Кутишмайди шаънларига бирор
таъриф,
Кўзларини бизга қадаб туришибди,
Қайти-қайтиб,
Айтиб-айтиб туришибди:
Истиқлолга осонликча етмаганмиз,
Ёнсак ёндик,
оқсак оқдик
Ва лекин -
Заррасини ёвга тортиқ этмаганмиз.
Сиз уни авлодларга элтинг ҳалол,
Мангу бўлсин бу Истиқлол,
бу Истиқлол...
Ҳайқир, дўстим!
Турма ҳеч жим -
Эшитсин бутун олам!
Истиқлол менинг онам!
Истиқлол менинг отам,
Чалғитмасин бирор хато!
Ўткирлаш, эй, қалам,
Истиқололим - болам!
У менинг бор-йўғим,
Одамлигим, қалб чўғим,
Ва энг севган қўшиғим!
Ота-онам, болам ҳам,
Мен талпинган олам ҳам -
Кўзимнинг қорасида!
Қўшиғим мангу янграр
Ер-Осмон орасида!



Бўка туманидаги Улуғбек жамоа хўжалиги аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш иштиёқида ғўза парваришини оби-тобида олиб боришмоқда.

Суратда: хўжалик бригада бошлиғи Исмоил Абдиев пахтакорлар даврасида.

Ҳусанбой Аввалов олган сурат.

*«Энг азиз, энг улуғ» танловига*

## ИФТИХОР

### *Ўзимиздаги ўзгаришлар*

Яқинда Қашқадарё ва Сурхондарё томонларда хизмат сафарида бўлган биродаримиз шундай деб қолди:

- У ёқларда бўлаётган қурилишларни кўрсангиз оғзингиз «ланг» очилади. Олтингугурт конденсатию нефтни қайта ишлайдиган, қурилиш заҳиралари-ю табиий газдан турфа хил маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар, қақроқ дашт қўйнида бўй чўзаётган шаҳарлар кўзингизни яшнатади, қалбингизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради.

- Ўзимизнинг водийда-чи, ўзимизнинг жойларда,- иккинчи шеригимиз унинг гапини илиб кетди.- Ахир, биргина Асакадаги «ЎзДЭУ» автокорхонаси қандайлигини бир тасаввур этиб кўринг. Бу ерда ишлаб чиқарилган автомобиллар Марказий Осиёдаги қўшни давлатлардан ташқари Россия ва Болтиқбўйи ҳамда Кавказорти мамлакатлари, қолаверса жаҳонда энг тараққий қилган Европадагилар ҳам жон-жон деб сотиб олишяпти.

Учинчи шеригимиз юқоридаги икки биродаримиз мулоҳазаларини якунлагандек деди:

- Буларнинг бари мустақиллигимиз шарофатидан билсангиз, азизларим.

(Давоми 2-бетда).

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**ЧЕЧЕНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САФАРГА ЧИҚДИ**

**Чеченистон Президенти Аслан Масхадов Туркияга ташриф буюрди.**

**У Туркия курортларидан бирида оз муддатли хордиқ чиқаргач, Америка Қўшма Штатларида бўлиб, Жаҳон Ислом Ташкилоти Конгрессида иштирок этади. Аслан Масхадов мазкур ташкилотнинг раиси саналади. Шунингдек, Чеченистон Президенти Польшага ташриф буюриши ҳам кутилмоқда.**

**ПОРАХЎР ЖАЗОЛАНДИ**

Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрининг собиқ раҳбари Чен Чи Хун 16 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У Пекинга раҳбарлик қилган даврида бир қатор жиноятлар, жумладан, порахўрлик ва коррупция билан шуғуллангани маълум бўлди.

**РОССИЯ ҚЎШИНЛАРИ ГРУЗИЯДАН КЕТАДИ**

**Нью-Йоркда бўлиб ўтаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида Россия тинчликпарвар кучларининг Грузиядан олиб чиқиб кетилиши масаласи муҳокама этилди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Россия ҳарбийлари Грузиядан 1999 йилнинг 31 декабрь куни олиб чиқиб кетилиши лозимлигини таъкидлади.**

**ЮГОСЛАВИЯ ПРЕЗИДЕНТИ МУРОСАГА ЮРМОҚДА**

Югославия Президенти Слободан Милошевич Австрия, Германия ва Буюк Британия дипломатлар гуруҳи билан бўлган учрашувдан сўнг Сербиянинг Косово сепаратистларига нисбатан қурол ишлатмаслик тўғрисидаги чақириқларга розилик билдирди. Шунингдек, Милошевич Косово албанларига халқаро инсонпарварлик ташкилотларининг ёрдам кўрсатишига ҳам рози бўлди.

**БОШ ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ НАФ БЕРМАДИ**

**Шри-Ланкада Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамкорлик ташкилотининг ўнинчи анжумани бўлиб ўтди. Унда Покистон ва Ҳиндистон Бош вазирлари ҳам иштирок этдилар. Улар ўз давлатларининг ядро синовларидан сўнг илк бор учрашдилар. Покистон Бош вазири Навоз Шариф ҳамда Ҳиндистон ҳукумати раисиВаж Паи ўртасида самимий мулоқот бўлиб ўтган бўлсада, икки давлат орасидаги ихтилоф ҳамон сўнгани йўқ.**

**АНГОЛАДАГИ ХУНРЕЗЛИК**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Анголадаги миссияси вакиллари мамлакатнинг жанубий қисмида бир ҳафта бурун оммавий тарзда қириб ташланган бир гуруҳ одамларнинг жасадлари кўмилган жойни топдилар. Маълум бўлишича, бегуноҳ одамларни Анголадаги «Унита» жангарилар гуруҳи вакиллари қириб ташлаган.

**ТЕЗУЧАР САМОЛЁТЛАР ПАЙДО БЎЛМОҚДА**

**Америка Қўшма Штатларининг НАСА агентлиги йўловчи ташиш самолетлари тезлигини оширишда чинакам инқилобга эришмоқчи. НАСА агентлигининг янги самолетлари соатига 2400 километр масофани босиб ўтиш имконига эга бўлади. Яъни Лос-Анжелосдан Токиогача бўлган узоқ йўл атиги тўрт соат ичида босиб ўтилади. Албатта, бундай самолетларнинг баҳоси оддийларидан 20 фоиз қимматроқ бўлади.**

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

## Шоҳимардонга ёрдам

Шоҳимардонда юз берган табиий офат нафақат юртимиз фуқароларини, балки хорижликларни ҳам бефарқ қолдирмади. Шу кунгача ўнлаб мамлакатларнинг раҳбарларидан ҳамдардлик мактублари ҳамда халқаро ташкилотлардан инсонпарварлик ёрдами олинди.

Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорларидан бири - Жанубий Кореянинг «ДЭУ групп» компанияси ҳам бундай савобли ишдан четда қолмади. Ушбу компания томонидан, шахсан унинг раиси Ким У Жунг таклифи билан халқ банкининг Фарғона вилояти бўлимига қарийб 10 миллион сўм ўтказилди. Бу маблағ табиий офат оқибатларини тугатиш ишларига сарфланади.

/ЎзА/.

*Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!*

*Мустақилликда тақдирланганлар*

## «БОЙИБ КЕТСАМ, МАКТАБ ҚУРАМАН»

*— дейди қашқадарёлик фермер Анвар ҚЎЛДОШЕВ*

Отаси Ёдгор Қўлдошев навқирон ёшида қазо қилганида Анвар бор-йўғи 9 ёшда эди. У етимликнинг барча азоб-уқубатини кўриб улғайди. Аммо қисқа умри давомида гўшт комбинатида самарали ишлаган отасининг бир гапини ҳамиша хотирасида сақлади. Болаларим, рўзғоримда қут-барака аримасин, десанглар, албатта, уйда сигир, тўрт-бешта мол сақланглар. Чорва рўзғорга барака киргизади.

Анвар ота касбининг бошини тутди. 13 йил гўшт комбинатида ишлади. Мамлакатимизга бозор ислоҳотлари бошлангач, ҳеч иккиланмай мустақил фермер хўжалиги ташкил этишга қарор қилди. 1991 йилда давлатдан 10 минг сўм қарз олиб, 10 та болали сигир сотиб олди.

Бугунги кунда уни Қашқадарёда кўпчилик танийди. У раҳбарлик қилаётган «Феруза» деҳқон (фермер) хўжалигида 200 бош қорамол, 110 бош қўй-эчки, 2 та туя парваришланмоқда. Мавжуд 64 гектар ер майдонига ғалла, беда экиб, тер тўкади. Бу йил давлатга 31 тонна ғалла топширди. Ҳар йили шартнома асосида 100 тонна гўшт етказиб беради. Меҳнати орқасидан «Нексия», «Тико» автомашиналари бор. Ўтган йили мустақиллигимизнинг 6 йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз Президентининг Фармонига кўра илғор фермер Анвар Қўлдошев эл маъмурчилигини таъминлаш йўлидаги фидокорона хизматлари учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

«Феруза» деҳқон (фермер) хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканман, агар имконият, шарт-шароит яратиб берилса, деҳқон (фермер)лар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бир неча бор оширишлари мумкинлигига амин бўлдим. Қўлдошевнинг фермаси жойлашган Қарши туманидаги «Янгибоғ» жамоа-ширкат хўжалигида моллар сони йил сайин камайиб бораётганлиги ҳолда «Феруза»да моллар кўпайиб, даромад ошиб бормоқда! Нега? Сабаби жамоа-ширкат хўжалигида мулк жамоаники, яъни аниқ эгаси йўқ. Деҳқон (фермер) хўжалигида эса ҳамма нарса хусусий. Натижада моддий манфаатдорлик кучли.

- Ҳаётимдаги етти йил мен учун машаққатли синов йиллари бўлди,- дейди Анвар. -Қанча-қанча фермерлар ишни эплолмай, банкротга учраб кетди. Сабаби биз иш бошлаган пайтда фермерлар учун ҳеч бир шарт-шароит йўқ эди. Жамоа-ширкат хўжаликларининг раҳбарлари фермерларга «ёмон» кўз билан қарарди. Чунки биз улардан кўра кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариб, хўжалик раисларига «гап тегдириб» қўя бошладик. Мамлакатимиз Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун бизнинг жонимизга аро кирди. Фермер хўжаликларининг ишига сунъий равишда тўсқинчилик қилаётган айрим тўралар бу қонун олдида бош эгиб қолдилар. Энди фермерларга техника марказлашган ҳолда берилаяпти, ёнилғига фонд ажратилаяпти. Натижада баъзи бюрократ раҳбарларнинг қабулида сарғайиб кун бўйи кутиш, унинг қовоғига қараш каби ташвишлардан қутулдик. Бироқ ҳамон муаммоларимиз бор. Масалан, ем-хашак, омухта ем олиш учун кимнидир ака, кимнидир ука, дейишга мажбурмиз.

- Анвар, тўғриси, мен сизни кўриб ҳавасим келди. Тагингизда яп-янги машина, қўлингизда уяли телефон. Қўрангиз тўла мол. Фермангиз ҳисобида анча-мунча маблағ ҳам бор экан. Хуллас, қўлингизни қаерга узатсангиз етади...

- Тўғри, бугун анча-мунча сармояга эгамиз. Бироқ бунинг машаққати ҳам борда. Гоҳида ўнлаб молларим ўлиб кетганида, саросимага тушиб қоламан. Шундан кейин зоотехника, зооветеринарияга оид ўнлаб китобларни ўқиб ўрганишга мажбур бўлдим. Ҳозирда ҳам мол дўхтириман, ҳам чўлқувар. Худога шукрки, меҳнатимизга яраша ҳузур-ҳаловатини ҳам кўраяпмиз. Ишчиларимга дурустгина маош тўлайман. Гўшт, ғалла ўзимиздан чиқади.

- Жуда бойиб кетсангиз, нима қиласиз?

- Мактаб, боғча қураман. Одамларга бераман. Ҳозир биз яшайдиган Худойзод қишлоғидаги мактаб газлашмаган. Кўпроқ пул топсам, шу ишга кўмаклашмоқчиман. Келгусида колбаса ишлаб чиқарадиган, сутни қайта ишлайдиган цехлар очиб, фермамиз фаолиятини кенгайтирмоқчиман. Айни пайтда аълочи ўқувчиларга стипендия ажратганмиз. Байрамларда кам таъминланган хонадонларга гўшт тарқатаяпмиз.

- Нималарни орзу қиласиз?

- Орзуларим кўп. Аввало, рафиқам Шоҳидахон билан фарзандларимизнинг камолини кўриш энг катта ниятимиз. Ишга келсак, фермамни механизациялаштиришни, илғор мамлакатлардагидек, шинам хоналарда ўтириб, компьютер орқали ишни бошқаришни орзу қиламан. Бунинг учун бирон чет мамлакатга бориб, уларнинг фермерлари тажрибасини ўрганишни истардим. Бизда эса кўпинча хорижга ишнинг бошида турган амалиётчилар эмас, раҳбарлар боришади.

Мен ёш фермер Анвар Қўлдошев билан турли мавзуларда суҳбатлашар эканман, бу серғайрат, шижоатли, фикрлари тийран, гаплари дадил ишбилармон йигитнинг орзу-ниятлари амалга ошишига ишондим. Анвар ўзининг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги туфайли мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшаяпти. Халқимиз орасида мулкдорлар синфини барпо этишдан бош мақсад ҳам шу: юрт ободлиги, халқ фаровонлигини таъминлашдир.

Абдужалол ҒАФФОР.

## РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

«Тошкент» республика фонд биржасида ўтган ҳафтанинг 28-31 июль кунлари 41 та ҳиссадорлик жамиятлари томонидан 194,1 минг дона қимматли қоғозлар сотиш ва олиш учун 77 та битим тузилди. Унинг жами қиймати-114,4 миллион сўмни ташкил этди. Бу соҳада қилинган саъй-ҳаракатлар аввалги ҳафтага нисбатан барча кўрсаткичлар бўйича сезиларли натижасини берди. Агар аввалги ҳафтада ўтказилган сотув сессияси жараёни ҳар куни ўртача-14,4 миллион сўмлик олди-сотди бўлган бўлса, ўтган ҳафта сессияларида бу кўрсаткич-28,6 миллион сўмни ташкил этди. Давлат тасарруфи тоифасига кирмаган корхоналардан қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш бўйича тушган таклифлар-142,6 миллион сўмдан 171,3 миллион сўмга кўпайди. Сессия кунларида энг йирик битим Навоий вилояти «Қизилтепа парранда» ҳиссадорлик жамиятида тузилди. Бу жамият-18 миллион сўмлик оддий акцияларни сотилишига эришдилар.

Умуман 47 та брокерлик идоралари қониқарли фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан эса-1134,3 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғозлар сотилган.

Ҳафта давомида 210 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 58 млн. 387 минг сўмдан иборат бўлди. Шундан ҳафта давомида кимошди савдолари орқали 137 та мулк 22 млн. 432 минг сўмга сотилган бўлса, биржа савдолари орқали эса 73 та объект 35 млн. 955 минг сўмга сотилди.

Бўлиб ўтган савдоларда уй-жой қуриш учун 59 та ер майдонлари, 104 та автотранспорт воситалари, 6 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти, 6 та қурилиши тугалланмаган мулклар, 35 та яшаш уйлари ва бошқалар сотилди.

Мазкур ҳафтада сотилган объектлар сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси филиали биринчи ўринни эгаллади. Мазкур филиалда бошланғич баҳоси 1 млн. 970 минг сўм бўлган 31 та мулк 2 млн. 216 минг сўмга сотилган. Сон бўйича иккинчи ўринни Сурхондарё вилояти филиали эгаллади. Ушбу филиалда 28 та турли мулклар 7 млн. 49 минг сўмга сотилди.

Сотув пули бўйича эса биринчи ўринга биржанинг Тошкент вилояти филиали чиқди. Пойтахт вилояти филиалида 21 та объект 14 млн. 829 минг сўмга сотилди. Сотув пули бўйича эса иккинчи ўринни биржанинг Хоразм вилояти филиали эгаллади. Хоразмда 11 та мулк 11 млн. 347 минг сўмга ишбилармонлар ихтиёрига ўтказилди.

Шунингдек, биржанинг марказий аппаратида 11 та мулк 6 млн. 690 минг сўмга, Фарғона вилояти филиалида 4 та объект 4 млн. 72 минг сўмга, Наманган вилояти филиалида 8 та мулк 4 млн. 274 минг сўмга сотилди.

Ҳафта давомида йирик мулклардан: биржанинг марказий аппаратида Тошкент шаҳридаги 16 дўкон биноси 1 млн. 800 минг сўмга, 3 хонали квартира 1 млн. 600 минг сўмга, Чўчқачилик комплекси биноси 2 млн. 360 минг сўмга, Хоразм вилояти филиалида Қўшкўпир туманидаги Иссиқхона 10 млн. 100 минг сўмга, Фарғона вилояти филиалида Фарғона шаҳридаги Кафе биноси 3 млн. 800 минг сўмга, Тошкент вилояти филиалида Юқори-Чирчиқ туманидаги Тўқимачилик фабрикаси 4 млн. 363 минг сўмга сотилди. Савдолар натижаси самаралироқ бўлиб бормоқда.

*«Энг азиз, энг улуғ» танловига*

# ИФТИХОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қадрдонларимнинг ғурурланиш туйғуларига йўғрилган суҳбатларини тингларканман, кечагина Ўзбекистон «ойнаи жаҳони» орқали намойиш этилган кўрсатув ёдимга тушди. Мухбир мамлакатимиз мудофаа Вазирлиги раҳбарларидан бири билан мулоқоти вақтида Москвадаги айрим газеталарнинг бир неча йил олдин Ўзбекистон ўзининг армиясига эга бўлиши мушкуллиги, бунинг учун етарли даражада зобитлари, учувчи ва танкчилари, шунингдек, бошқа ҳарбий мутахассислари ҳам бўлиши зарурлигини киноя билан ёзганлигини эслатганида кўрсатувда қатнашаётган генерал шундай деди:

- Менинг ҳам катта лейтенантлик унвонида хизмат қилаётган чоғимда «юртингда тинчгина пахтангни тераверсанг бўлмасмиди», дея юзимга айтишгача боришган. Ўзбек аскарларини алоқачилик, штаб ишлари сингари мураккаброқ ҳарбий мутахассисларга яқин йўлатишмасди. Сабаби, бизга ҳамон ишонишмасди, қолаверса, шундай соҳаларни пухтароқ ўрганиб олишимизни хоҳлашмасди. Шукурларким,- давом этди генерал,- бугунги кунда Ўзбекистонда қатор ҳарбий ўқув юртлари фаолият кўрсатаяпти. Иккинчи йилдирки, Жиззах ҳарбий учувчилар билим юрти ўз «ҳаво лочинлари»мизни тайёрлаб чиқаряпти. Улар мамлакатимиз ҳаво сарҳадларини ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар.

Ҳудди шу мавзу билан боғлиқ бир воқеани ҳеч-ҳеч унутмайман. Бунга тўрт-беш йилча фурсат ўтди. Ўзбекистон телевидениеси орқали хориждан, қайсидир давлатдан юқори мартабали меҳмон ташрифига бағишланган репортаж берилаётганди. Тайёрагоҳдан намойиш этилаётган ушбу репортажда мамлакатимиз раҳбари иштирокида олий мартабали меҳмон шарафига биринчи марта Ўзбекистон миллий гвардияси саф тортди. Бари қиличдек ўзбек йигитлари эди. Буйруқ ҳам илк бор давлат тилида янгради. Гвардия командири республика Президентига ўзбек тилида рапорт берди.

Ишонасизми, шу паллада ҳаяжонданми, қувончданми, фахр-ифтихор туйғуси вужудимни қамраб олганиданми, кўзларимда ёш қалқиганлигини сезмай қолибман. Шу лаҳзада бир амалдорнинг ўзбек тилига давлат мақоми берилганида қўлини ҳафсаласизлик билан силтаб: «Бу тилингизда бирон нарсани дурустроқ тушунтириб бўладими ўзи» деган тўнғиллашини ёдга олдим. Шу дамда тайёрагоҳ майдонидан саф тортиб ўтган миллий гвардиямизнинг қиличдек йигитларини, ўзбекча янграган ҳарбийча сўзларни қорин қўйиб савлат тўкиб юрадиган, аммо ўз эли тилини тан олишни истамаган, асосан, Москвадан таниш-билиш орттириб ўшаларга чўқинган, бурга чақса ҳам ана шу ёққа югуриб ўрганган ўша амаки кўришлиги ва эшитишлигини жуда-жуда истардим.

Ҳа, дунёнинг адолатсиз ҳангомалари ҳам сероб экан. 60-йилларнинг ўрталарида тақдир тақозоси билан олис Югославия сафарида бўлганимда Андриатика денгизи соҳилидаги Жаҳон ёшлар оромгоҳида бир муддат ҳордиқ чиқаришга тўғри келди. Тўрт-беш нафар ёшлар танишаётиб қайси мамлакатдан эканлигимизни айтдик. Мен Ўзбекистондан келганлигимни билдирганимда англашмади. Тошкентни, Самарқандни тилга олганимда тушунгандай бўлишди. Оқшомда эса гуруҳимизга яширинча қўшилган «махсус вакил»дан эшитадиганимни эшитдим. Сал бўлмаса, мени миллатчиликда айлаб жиноятчига чиқаришларига бир бахя қолди. Мен ватан деганда «СССР»дан, Москвадан бошқасини хаёлимга келтирмаслигим керак экан...

Совет замонаси назариётчилари Туркистон халқлари ўтмишини қандай йўл билан бўлмасин қоралаш учун ҳеч қандай қабиҳ усуллардан қайтмадилар. Улар энг инсонпарвар, инсон боласини ҳалоллик ва тўғриликка, адолат ва покликка ундовчи Ислом динимизга ҳам осилиб кўришди. «Бешикдан бошлаб қабргача илм изла» деган шиорни илгари сурган Ислом гўёки тараққиётга қарши эмиш. Биз илмларни яратдик, дейилади Аллоҳ каломида.Ва ундан бандаларим ўргансинлар, дея сизларга юбордик.

Олам тузилиши ҳам, Ислом таълимоти ҳам бузиб талқин этиб келинди. Қуръонда ҳеч қачон Ер олам маркази, уни ҳўкиз шохида кўтариб туради... Охири, елкасига ортмоқчилаган балиқ сувда сузиб юради, дейилмаган. Тўғри, христиан динида «юлдузлар (бошқа сайёралар ҳам) осмон пештоқига қадаб қўйилган»лиги таъкидланган. Ҳолбуки, Қуръони Каримнинг «Бақра» сурасида «Осмонда мавжуд бўлган сайёралар сузиб юради», деб ёзилган. Демак, бундан хулоса шуки, Ернинг шарсимон юмалоқ эканлиги минг йиллар аввал ҳам Ислом динида мавжуд бўлган. Бу жиҳатдан ҳам уларнинг туҳматларида асос йўқ.

## БИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ КОЛХОЗЛАШДИК

Йигитлик кучига тўлиб келаётган пайтимиз эди,- дея бир сафар гапириб берганди отам,- «Колхозлаштириш» деган гап чиқди. Еру мол-мулк умумлаштирилишини билиб деҳқонлар унашмади. Шунда тумандан бир каттакон келиб пахта заводида юқоридан ташриф буюрган раҳбар иштирокида йиғилиш ўтказилади. Хоҳишларингизни ўша ерда айтинглар, зора, инобатга олишса», дея маслаҳат берди.

Эртасига тонг саҳарлаб ўзимизнинг Шерқўрғон қишлоғининг ёшу қари эркаклари тўпланишиб туман марказига қараб йўл олдик.

Абдубий, Қумқайроқ, Сузоқ, Сарой қишлоқлари деҳқонлари ҳам бизга қўшилдилар.

Айтилган жой, пахта заводининг кенг майдонига 5-6 минг оломон йиғилди. Тушга яқин кечаги маслаҳат берган одам айтган меҳмон чармли кийимда, ёнига тўппонча осган ҳолда пайдо бўлди.

- Ким колхоз бўлмайди?- сўради қошларини чимириб.

- Колхоз бўлмаймиз! Мол-мулкларимизни умумлаштирмаймиз!- Оломон гулдиради.

- Партиямиз сиёсати коллективлаштириш, ўртоқ Сталин топшириғи бу!!

- Барибир, колхозга кирмаймиз!- Тағин оломон момақалдироқдек товушда жавоб қайтарди.

Шунда ҳалиги чарм камзулли киши негадир ортига, дарвоза томонга қараб чекинди-да, қўлини оломон тарафга кескин силкитди.

Эътибор қилмаган эканмиз. Завод майдонини ўраб турган деворлар бўйлаб пулемётлар ўрнатилган, лекин устига эски қоплар ташлаб, қўйилган экан. Бошимиз узра ўқлар уча бошлади. Сичқон ини минг тангага айланди. Ҳаммамиз ерга қапишдик. Пулемётлар уч-тўрт дақиқа сайрагач яна ҳалиги чарм камзулли вакил кўринди.

- Ким колхозга киришни истамайди?

- Колхозга кирамиз! Колхоз бўламиз! -бунақа таҳликани бошдан кечирмаган, умрида пулемёт отилишини кўрмаган оломон баробарига «розилик» билдирди.

- Баракалло, -юқоридан келган амалдор мамнун маъқуллади. -Бу энди бошқа гап. Ниҳоят эсларинг кирибди. Шўро ҳокимияти йўлдан адашган ҳар қандай одамнинг ақлини жойига келтириб қўйишга қодирлигини кўрдинглар.

Биз шу тариқа колхозлашган эдик.

Падари бузрукворим ҳикоя қилиб берганидек ота-бобосидан қолган бир парча ерга меҳрини бағишлаб ишлаб келган ўзбек деҳқони етмиш йил ана шу усулда муттасил меҳнат қилди, аммо косаси оқармади. Бунинг учун раҳмат эшитиш ўрнига компартиянинг олий анжуманида юзсизлик билан айтилганидек, сал бўлмаса, бошқалар ҳисобига яшаётган «текинхўр»га чиқарилди. Ўзбеклар етти ўн йиллик мобайнида кун ботиш тарафдагиларга қарам бўлиб яшади, ўша ёқдан ким келса, иззат-икром билан кутиб олди. Бироқ миннатдорчилик ўрнига «порахўр», «дастурхон билан сотиб олади», деган таъна-ю, дашномлардан «мукофотлар» орттирди.

Бир маҳаллар Амир Темур бобомиз Туркия султони Боязит ҳар қанча душманлик қилмасин, қўшинига зиёни тегмасин, асирга туширганида ҳам бағри кенглик билан марҳамат кўрсатган, уни салгина муддат, ўшанда ҳам олтин қафасда сақлаган. Кейин озод этиб юртига жўнатган. Туркия ерларини босиб олмаган, балки, у томонга Боязитнинг ўғлини ҳокимликка тайинлаган.

Минг шукурларким, истиқлолдан сўнг бирин-кетин барча соҳада ўз мустақиллигимизга эга бўляпмиз. Нефть мустақиллигини, ғалла мустақиллигини қўлга киритдик. Ўз армиямиз бор. Гугуртдан тортиб самолётгача ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз. Жаҳондаги деярли барча давлатлар Ўзбекистонни тан олган, у билан дипломатик ва иқтисодий-сиёсий муносабатлар ўрнатган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида миллий байроғимиз ҳилпираб турибди. Бировдан кам жойимиз йўқ. Ўзгалардан ҳеч нарса талаб қилмаймиз. Юртбошимиз ҳамиша такрорлаб келаётганидек бировлардан қарз сўрашни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Чунки биз ҳамиша бошини мағрур кўтарган ўзига беклар авлодиданмиз. Бор бўлсин, истиқлолимиз!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.**

*Энг моҳир автогрейдерчи*



**Яқинда «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни ташаббуси билан Самарқанд вилоятида «Энг моҳир автогрейдерчи» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан вакиллар иштирок этди.**

**Кўрик-танловнинг асосий мақсади мамлакатимизда автомобиль йўлларини қуриш ва ундан фойдаланишни яхши йўлга қўйишдир. Шу мақсадда ҳакамлар танлов иштирокчиларининг назарий билимларини ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Танлов шартига мувофиқ автогрейдерчилар йўлнинг маълум ажратилган қисмини таъмирлаш, унга ишлов бериш, янгилаш ва асфальт қоплаш ишларини бажарди.**

**Иштирокчилар бир ҳафта давомида ўзаро мусобақалашдилар. Унда Тошкент, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Навоий вилоятларидан келган йўлсозлар яхши натижа кўрсатди.**

**Мусобақа якунига кўра, кўрик-танлов ғолиби наманганлик моҳир йўлсоз Олимжон Зуҳриддинов бўлди. Унга «Ўзавтойўл» концернининг 1-даражали дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.**

**Суратда: Кўрик-танлов ғолиби, наманганлик автогрейдерчи Олимжон Зуҳриддинов.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

*«Ишонч» мақолалари изидан*

## «МЕҲНАТ ДАФТАРЧАНГИЗ БОРМИ?»

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси «Ишонч» газетасида чоп этилган «Меҳнат дафтарчангиз борми? ёхуд Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасидаги нуқсонлар хусусида»ги мақолани кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида атрофлича муҳокама қилинганлиги ва кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбирлар белгиланганлигини маълум қилади.

Белгиланган тадбир асосида барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ва бошқарма тасарруфидаги бошқа таълим муассасаларидаги ходимларнинг меҳнат дафтарчалари билан таъминланиш даражаси, жойларда иш юритишнинг аҳволи ва мақолада қайд қилинган камчиликлар ўрганилиб чиқилди.

Жойларда ўтказилган текширишлар якунига кўра мақолада қайд қилинган Мирзачўл, Арнасой, Зафаробод ва Пахтакор туман халқ таълими бўлимларидаги камчиликлар бошқа халқ таълими бўлимлари ва бир қатор таълим муассасаларида ҳам мавжудлиги аниқланди.

Камчиликларни бартараф қилиш мақсадида туман, шаҳар ҳокимликлари билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг ёрдамида педагог ходимларни меҳнат дафтарчалари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жойлардаги меҳнат биржаларига меҳнат дафтарчалари учун пул ўтказилди. Жумладан: Мирзачўл ва Арнасой туман халқ таълими бўлимларига - 20 минг сўмдан, Зафаробод туман халқ таълими бўлимига - 15 минг ва Пахтакор туман халқ таълими бўлимига -24 минг сўм миқдорида пул ўтказилиб, меҳнат дафтарчалари олинди.

Газетада чоп этилган мақолада қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш ва вилоят педагогик ходимларини тўлиқ меҳнат дафтарчалари билан таъминлаш мақсадида белгиланган тадбирни амалга ошириш бугунги кунда вилоят халқ таълими бошқармасининг диққат марказида турибди.

Педагог ходимларни ўз вақтида меҳнат дафтарчалари билан таъминлашга етарлича эътибор бермаганлиги ва бошқа камчиликларнинг келиб чиқишида айбдор ҳисобланган масъул раҳбарларга нисбатан ҳайъат йиғилиши қарори билан тегишли чоралар белгиланди.

**Г.СУБХОНОВА,**
**Бошқарма бошлиғи.**

*Касабақўм ибрати*

## ҚАНДОЛАТЧИЛАР ҒАМХЎРИ

Каримахон кўпдан бир нарсага одатланган. Ишдан қайтишдан олдин кун календари варағига эртага қилинадиган иш режаларини бир-бир қайд этишдан эринмайди.



Бугун хонасига ийманибгина 2 аёл кириб келди. Бир йилча бўлиб қолувди нафақага чиқишганига. «Уйда ўтиролмадик, ишласак», дейишди. Ҳали тетик, кўринишлари ҳам ёшига нисбатан анча ёш. Иш унуми, сифати яхши эди. Ёшларимизга шунақа устозлар қанча бўлса зиёдлик қилмайди.

Эрталаб ўша варағига бир карра кўз югуртиришни унутмайди. Унинг иштирокисиз битмайдиган фавқулодда масалаларни мустасно этмаганда иш куни ана шундай бошланади.

Меҳнат шароитини яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший турмуши, сиҳат-саломатлиги, дам олиши тўғрисида қайғуриш касаба уюшмаси ташкилотларининг бош вазифаларидандир. Ишчи-хизматчиларнинг 60-70 фоизи, хотин-қизлардан иборат бўлган корхона ва ташкилотлар бу масалага айниқса, эътибор билан ёндошади. Бир йилда 2 маротаба аёллар оқ халат билан таъминланиши, 12 фоиз қўшимча ҳақ, махсус кийимларнинг бепул берилиши, 1 ойлик маошига тенг миқдорда маош бериб борилиши, тушлик учун 2200 сўм ажратилишида ҳам «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акционерлик жамияти касаба уюшмаси ва хотин-қизлар қўмитаси раисаси Карима Долтаеванинг ташаббуси катта.

16 ёшгача бўлган болалар учун 35 млн. нафақа пули ажратилган. Соғломлаштириш маркази мавжуд. «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти 1994 йилдан бошлаб акционерлик жамиятига ўтгандан буён 94 млн. девидент пули бериладиган бўлди. Шундан 67 млн. сўм ишчиларга тарқатилади. Ҳар бир ишчига 611 сўмдан тушмоқда. Ташмачиликларга чек қўйилган.

Корхонада кутубхона, ошхона, сартарошхона, аёллар пардозхонаси, тиббий шаҳобча, спорт хонаси мавжуд. Ишчилар ўз лимонзорларига эга. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар, ёш болали оналар, ногиронлар ҳам эътибордан четда қолмайди. 16 ёшгача бўлган болалар учун 1,5 млн. сўм нафақа пули ажратилган. Байрамларда улар ногиронлар ҳолидан хабар олиб, меҳру мурувват кўрсатмоқда.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан буён қисқа давр ичида жамоанинг янгича иш юритиб, тўғри йўл танлаганлигини кўрсатди. Маҳсулот сифати яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ҳам ортди.

Саъй-ҳаракатлари туфайли хорижий давлатлар-Туркия, Швеция, Олмония, шунингдек, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари билан мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатилаётир. Хориж фирмалари билан ҳисоб-китобни енгиллатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг миллий банкида валюта ҳисоб рақами очилган.

Корхона олий навли қандолат, попукли қанд (карамель), шоколадли конфет, бисквит, хамиртуруш ишлаб чиқариш цехлари тўла қувват билан ишламоқда. Кунига 50-60 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрланаяпти.

«Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акционерлик жамияти ўтган йили 12445 тонна қандолат маҳсулотлари тортиқ қилишган эди. Бу йилги мақсадлари ундан ҳам кўпроқдир.

Жамият касаба уюшма қўмитасига кўп йиллардан бери раислик қилаётган Карима Долтаеванинг ҳам бу ютуқларда хизмати катта.

**Холтош УСМОНОВА.**

**Суратда: «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Карима ДОЛТАЕВА.**

*Бердақ таваллудининг 170 йиллиги олдидан*

## Қизиқарли кўргазма

Қорақалпоғистон Ўлкашунослик музейида Бердақ Қарғабой ўғли таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан «Машҳур сўз заргари» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Унда таниқли қорақалпоқ рассомларининг Бердақ сиймоси акс эттирилган портретлари, шоир яшаб ижод этган овулларнинг манзаралари, унинг асарларига ишланган ранг-баранг суратлар, ўша даврга оид турли буюмлар, шунингдек, Бердақ бўлган жойлар харитаси намойиш этилмоқда.

Музейга келувчилар кўргазмани қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЁШ ОЛИМЛАР МУЛОҚОТИ

Бухоро Давлат Университетида вилоят ёш олимлари, тадқиқотчилари, иқтидорли ўқитувчи ва мутахассислари иштирокида илмий-амалий мулоқот ўтказилди. Анжуман мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ўрганишга бағишланди.

Анжуманда сўзга чиққан вилоят олий ўқув юртлари олимлари Президентимиз миллий мафкурани шакллантириш борасида ўртага қўйган вазифалар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Ёш олимлар ва мутахассисларнинг тарихимиз ва маданиятимизни, миллий қадриятларимизни чуқур ўрганиши, энг муҳими - ташаббускорлик ва ташкилотчилик кўрсатиб меҳнат қилиши учун барча зарур шароитни яратиб бериш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**/ЎзА/.**

*Шарҳловчи минбари*

## ТОЗА ҲАВО - ДУНЁ ТАНИГА ДАВО

Гапни шу иборадан бошлашимизнинг сабаби бор. У бугунги кунда тобора чуқур мазмун-моҳият касб этиб бораётир. Тараққиёт асри ҳисобланган ҳозирги юз йиллик ниҳоясида башарият учун экологик ҳалокатлар билан юзма-юз келиш хавфи кўпайди. Бу ҳалокатлар сирасига аломатлари секин-аста кўзга ташлана бошлаган «буғхона ҳодисаси»ни қўшиш мумкин.

Саноатнинг тармоқлари кўпайгани, янги-янги техника воситаларининг кашф этилгани сари атмосферага миллионлаб тонна турли газлар учирилмоқда. Улар орасида Қуёшдан келадиган энергияни коинотга чиқармай, атмосферанинг ўзида «ушлаб» қоладиганлари ҳам бор. Иссиқлик энергиясининг Ерда қолиб кетаётган ана шу қисми сайёрамиз ҳарорати мувозанатининг бузилишига олиб келмоқда. Бунинг олди олинмаса, ер юзидаги умумий ҳарорат кўтарилади. Бу эса, катта-катта музликларнинг эриши, саҳроларнинг кенгайиши, улкан ҳудудларнинг сув остида қолишига сабаб бўлади. Дунёнинг айрим минтақаларида тошқину тўфонлар юз бераётгани, айрим ҳудудларда эса қурғоқчилик авж олаётгани ана шу мудҳиш фалокатнинг аломатлари, бўлса ажабмас.

Илмий тадқиқотлар натижалари эса қуйидагича, ўтган ярим йилликда сайёрамизда ҳарорат одатдагига нисбатан 0,32 даража, океанлар ҳарорати эса 0,2 даража ошган. Айтиш керакки, бундай юксак ҳарорат метеорологик кузатишлар тарихида ҳали қайд этилмаган эди. Умуман, ҳароратнинг кўтарилиши 60-йиллардан бошланганини ҳисобга олсак, вазият анча ойдинлашиб қолади.

Шу ўринда муаммога қарши бирор чора-тадбир кўрилаяптими, деган савол туғилади. Албатта, жаҳон афкор оммаси буни эътибордан четда қолдиргани йўқ. Дастлабки натижалардан бири шу бўлдики, БМТ раҳнамолигида 1992 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида сайёрада умумий ҳароратнинг кўтарилиши бўйича халқаро конвенция имзоланди. Унга қўшилган давлатлар зиммасига мамлакатда «буғлантирувчи» газларни камроқ ишлаб чиқариш вазифаси юкланди. Бироқ, номукаммаллиги, барча давлатлардаги шарт-шароитни тўла инобатга олмаган ҳолда ишлаб чиқилгани боис, ҳужжат амалда самара бермаяпти.

Вазиятга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагиларни кўрамиз. АҚШ маъмурияти фақат 2008-2012 йилларга келиб, мамлакатдаги зарарли газ чиқиндиларини 1990 йилги даражага туширмоқчи. Ваҳоланки, Европа Иттифоқи чиқинди газларни 2010 йилда 1990 йилгига нисбатан 15 фоиз камайтиришни мўлжаллаган. Япония ҳукумати эса, тахминан 5 фоиз камайтириш ниятида.

Бир қарашда, атмосферага энг кўп «буғлантирувчи» газ чиқарадиган давлат - АҚШ маъмуриятининг режаси адолатсиздек туюлади. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Масалан, ривожланаётган мамлакатлар сирасига кирувчи Хитой ёки Ҳиндистонда ҳам катта миқдорда шундай газлар чиқарилади. Оқ Уй бу давлатлардан ҳам маълум миқдорда чиқинди газларни камайтиришни талаб қилмоқда. Чунки, иқтисодий нуқтаи назардан қаралганда, газ чиқиндиларини камайтириш ишлаб чиқариш суръатини тушириш, деган гап. Бундай мажбуриятни алоҳида бир давлатга юклаш эса тўғри иш бўлмайди. Албатта, ривожланаётган мамлакатларга арзон нархда янги технологиялар берилса, у ердаги ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндини камайтирадиган техника билан таъминланса, яхши натижага эришиш мумкин. Бироқ, иқтисодий нуқтаи назардан олиб қаралганда, бу ҳам маълум маънода нотўғри.Ҳозирги даврда миллий иқтисод манфаатлари айрим ҳолларда умуминсоний манфаатлардан устун қўйилаётгани сир эмас.

Бундан ташқари, атмосферага «буғлантирувчи» газ чиқаришни камайтириш масаласига ўзига хос ёндашаётган яна бир гуруҳ давлатлар бор. Улар ОПЕК - нефт ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчилар ташкилотига аъзо мамлакатлардир. Гап шундаки, нефт маҳсулотлари чиқиндиси таркибида ҳам «буғхона ҳодисаси»ни юзага келтирадиган газлар мавжуд. Агар зарур халқаро ҳужжатлар қабул қилинса, бутун дунёда нефт маҳсулотарига талаб озаяди. Бу эса ОПЕКнинг ҳар бир аъзоси учун 10 миллиард АҚШ долларигача зарар келтиради. Буни ташкилот Бош котиби Рилвану Лукманнинг ўзи ҳам бир неча бор таъкидлаган.

Шундай экан, ҳар бир давлатнинг миллий манфаати, шарт-шароити, жуғрофий жойлашуви ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда янги ҳужжат ишлаб чиқиш энг мақбул йўлдир. Ўтган йилнинг декабр ойида Япониянинг Киото шаҳрида бўлган халқаро анжуман иштирокчилари бунга яна бир бор уриниб кўрди. Унда ривожланаётган давлатларда «буғлантирувчи» газларни камайтириш натижасида кўрилган зарарнинг маълум қисмини қоплайдиган махсус жамғарма тузиш, белгиланган меъёрларни бажара олмаган мамлакатларга жарима солиш, миллий экология дастурларини амалга ошириш учун айрим ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш сингари қатор амалий таклифлар илгари сурилди. Бироқ,анжуманда якдил фикрлардан кўра, тарқоқ фикрлар кўп бўлгани боис Киото учрашувида аниқ бир тўхтамга келинмади. Атмосферага етказилган зарар учун ким товон тўлаши керак, деган савол жавобсиз қолди.

Шу йил июн ойида Россия пойтахтида ҳам экология муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлди. Унинг аҳамиятли томони шунда эдики, анжуман билан бир вақтда атроф муҳит барқарорлигини бузмайдиган, экологик муаммолар билан курашадиган янги техника ва технологиялар кўргазмаси ўтказилди. Булар орасида ўрмонлардаги ёнғинларни тезкор ва безарар усуллар билан ўчириш, йирик сув ҳавзалари, экин майдонларининг нефт маҳсулотлари ёки бошқа зарарли моддалар билан қопланган юзасини тозалаш, шунингдек, жойларда экологик ҳолатни назорат қилиб туриш ва ҳатто зилзила ҳақида аввалдан огоҳлантиришга мўлжалланган янги қурилмалар ва кўплаб бошқа техникалар бор. Ушбу анжуманнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шу бўлдики, унда кенг жамоатчиликнинг экологик ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш ҳамда соҳа муаммоларини ечишда иштирок этиш ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияси муҳокамага қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, масаланинг ечимини топишга киришилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўлами ва суръати тобора ошмоқда. Инсоният янги асрга қадам қўяр экан, техника мўъжизалари билан бирга, келгуси юз йилликдаги авлодларга озода ва обод сайёра ҳам қолдиради, деган умид бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

